



SPECIFICITY OF CRIMES RELATED TO INJURY TO THE BODY

Kudiyarov Sharapat Soliyevich

Inspector for important tasks of the Ministry of spiritual and educational affairs and staffing of the IIBB of the city of Tashkent

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11192037>

ARTICLE INFO

Received: 06th May 2024

Accepted: 13th May 2024

Online: 14th May 2024

KEYWORDS

Injury to the body, a convicted person, a person who has suffered health damage, criminal liability.

ABSTRACT

This article contains a practical theoretical analysis of the specificity of crimes related to injury to the body, in which the opinions of legal scholars were studied and suggestions and recommendations were developed by the author.

БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Кудияров Шарапат Солиевич

Тошкент шаҳар ИИББ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати муҳим топшириқлар бўйича инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11192037>

ARTICLE INFO

Received: 06th May 2024

Accepted: 13th May 2024

Online: 14th May 2024

KEYWORDS

Баданга шикаст етказиш, судланган шахс, соғлиғига зиён етказган шахс, жиноий жавобгарлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг ўзига хослиги ҳақида амалий назарий таҳлил қилинган бўлиб бу борада ҳуқуқшунос олимлар фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 73 797 нафар шахсга нисбатан 58 418 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1 244 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинди. Судланган шахслар сони 55 763 нафарни ташкил этиб, шундан 17 396 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 37 077 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1 290 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланган шахсларнинг 49 297 нафари эркак, 6 466 нафари аёл, 20 922 нафари ёшлар (шу жумладан 1 911 нафари вояга етмаган) ва 2 123 нафари 60 ёшдан ошган шахслар.

7 362 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамоқдан озод қилинди, 33 612 нафари



жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 12 286 нафарига тайинланган жазоси енгилли билан алмаштирилди ва 13 522 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди. 272 нафар шахсга (ёшлар, аёллар ва бошқалар) кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Ҳисобот даврида кўрилган жиноят ишларнинг аксариятини фирибгарлик, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, безорилик, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ва пора бериш билан боғлиқ жиноятлар ташкил этади.

Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 14 698 нафар шахс жиний жавобгарликдан озод этилди. Етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 8 586 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Апелляция тартибида 15 720 нафар шахсга нисбатан 10 843 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1 715 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 3 556 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 5 855 нафар шахсга нисбатан 5 130 та жиноят иши кўриб чиқилди. 1 143 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 509 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Шунингдек, кассация инстанциясида 467 нафар шахсга нисбатан 402 та жиноят иши такроран кўриб чиқилди. 288 нафар шахсга нисбатан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 121 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Баданга шикаст етказиш деганда, бошқа одамнинг эркига қарши содир этилган, унинг тўқималари ва аъзоларининг анатомик яхлитлиги ёки физиологик вазифалари ташқи муҳит таъсири остида ёхуд айбдор томонидан жисмоний таъсир кўрсатиш билан ишдан чиқаришда ифодаланган соғлиғига ҳуқуққа хилоф равишда зарар етказишни тушуниш лозим, баданга шикаст етказишнинг объекти - саломатлигининг ҳолати ва шахсий хислатларидан қатъи назар, бошқа одамнинг соғлиғидир. Баданнинг дахлсизлиги шахс соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўравонлик тажовузларининг ҳам объекти ҳисобланади, бошқа одам соғлиғига зарар етказиш фактини аниқлашда, жабрланувчининг баданига шикаст етган пайтдаги саломатлиги ҳолатидан келиб чиқиш лозим.

Ўзининг соғлиғига зиён етказган шахс (ўзининг бирор аъзосини жароҳатлаш), мазкур ҳаракатлар фақат ЖКда кўзда тутилган мустақил жиноятни вужудга келтирса, масалан, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (ЖК 225-моддасининг 2-қисми "а" банди), ўзининг бирор аъзосини майиб қилиш билан ёки бошқа усул билан ҳарбий



хизматдан бўйин товлаш (ЖК 290-моддаси) ва баъзи бошқа ҳолатларда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ўз соғлиғига зарар етказиш (жароҳат етказиш) юқоридаги жиноятларнинг зарурий ёки жавобгарликни оғрлаштирувчи ҳолат белгиси сифатида намоён бўлади, шу боисдан бундай қилмишларни бошқа одамнинг соғлиғига қарши жиноят сифатида квалификация қилиш мумкин эмас. Агар шахснинг соғлиғига зиён етказиш унинг ўз розилиги билан бошқа киши томонидан содир этилган бўлса, у ҳолда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича баданга тегишли даражада шикаст етказиш ҳамда ўз соғлиғига зарар етказишга розилик берган шахснинг содир этган жиноятда иштирокчилиги сифатида квалификация қилиниши мумкин.

Объектив томондан жиноят ҳуқуққа хилоф равишда бошқа шахс соғлиғига зарар етказишда ифодаланади. Баданга шикаст етказиш қўйидаги воситалар:

- * жисмоний таъсир (механик, термик, электр токи ва бошқалар);
- * баданга кимёвий ёки биологик фаол воситалар билан таъсир этиш;
- * руҳий таъсир орқали амалга оширилиши мумкин.

Агар шахс ноқонуний тарзда ўқ отар қуролни ясаган ёки қўлга киритган бўлса-ю, бошқа одамнинг баданига шу қуролдан шикаст етказса, у ҳолда бундай қилмиш баданга тегишли оғирлик даражасида шикаст етказиш ва қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш мажмуи билан квалификация қилиниши зарур (ЖК 248-моддаси).

Баданга шикаст етказишни тугалланган жиноят деб топиш учун қонунда аниқ кўрсатилган муайян оқибатлар бошланиши зарур (меҳнатга лаёқатини йўқотиш, аъзосини ишдан чиқариш ёки уни бажарадиган вазифаларидан маҳрум этиш, ҳомиладорликнинг узилиши ва бошқалар). Айни пайтда инсон баданидаги тўқималарнинг анатомик яхлитлиги бузилишигина эмас, балки соғлиққа етказилган муайян зарарни ҳам баданга шикаст етказишнинг юқоридаги турларининг жиноий оқибатлари деб ҳисоблаш керак.

ЖК 104-моддаси бўйича жавобгарлик бошланишининг муқаррар шarti - содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш ва бошланган жиноий оқибат (баданга оғир шикаст етказиш) ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлашдир. Сабабий боғланиш бўлмаган ҳолатда вужудга келган оқибатлар шахсни айбдор деб топишга монелик қилади, сабабий боғланиш мавжудлиги масаласини ҳал қилиш учун жабрланувчи баданининг ўзига хос хусусиятлари (касаллик, туғма етишмовчилик ва бошқалар) инobatга олиниши зарур. Мазкур хусусиятларнинг мавжудлиги ижтимоий хавfli қилмиш туфайли бошланган оқибатлар моҳиятига таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолатларда ижтимоий хавfli қилмиш натижасида қандай аниқ оқибатлар бошланганлигини ва улар жабрланувчи баданининг ўзига хос хусусиятлари билан оғирлашган-оғирлашмаганлигини аниқлаш зарур. Башarti мазкур оқибатлар айбдорга маълум бўлса-ю, у ўзи содир этаётган қилмиш пировард натижага таъсир этишини англаса, амалда жабрланувчига келтирилган зарар унга айб сифатида юклатилиши шарт. Бундай вазиятлар айбдор қасди натижасида содир этилмаган бўлса, у бошланган оқибатлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.



Субъектив томондан баданга оғир шикаст етказиш айбнинг қасд шакли билан тавсифланади ва муайян ҳолатларга кўра тўғри ёки эгри қасд билан етказилган бўлиши мумкин. Аниқ бўлмаган қасднинг мавжудлиги ҳолатида айбдор амалда келиб чиққан оқибатлар учун жавобгарликка тортилади. Айбдорнинг бошқа шахснинг соғлиғига зарар етказиш нияти аниқланса ва амалда кам даражадаги зарар етказилса, субъектнинг ҳаракати жабрланувчининг соғлиғига қарши зарар етказишга суиқасд қилганлик бўйича квалификация қилинади (масалан, айбдор шахс жабрланувчининг юзига кислота сепмоқчи бўлди, лекин жабланувчи ўгирилиб олишга муваффақ бўлди ва соғлиғига ҳеч қандай зиён етмади).

Соғлиққа қарши жиноятларни тўғри квалификация қилишга уни ўхшаш жиноятлардан фарқлашга, қилмишнинг хусусияти ва соғлиққа етказилган шикастга мувофиқ жазони тўғри тайинлашга кўмаклашади. Баданга шикаст етказиш деб, инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмоқ лозим. Яъни, етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиғи йўқолиши ёки аъзолари сақланиб қолса-да уларнинг ўз фаолиятини йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлиги бузилишига ёхуд меҳнат қобилиятини маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушушини тушиниш керак

Қасддан баданга шикаст етказиш инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик бутунлиги ёки улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши, ёхуд инсонга жисмоний жиҳатдан оғриқ берувчи, шунингдек, унинг руҳияти бузилишига олиб келишда ифодаланган қасд ёки эҳтиётсизликшаклидаги ҳуқуққа хилоф қилмишлар тушунилишини таъкидлаб, Жиноят кодекси назарда тутилган соғлиққа қарши жиноятларни биринчи баданга турли даражада шикаст етказиш мумкин бўлган (ЖК 104–109, 111-м.) ва иккинчи қийнаш билан боғлиқ бўлган соғлиққа зарар етказиш (ЖК 110- м.) мумкин бўлган жиноятларга ажратилган. Тиббиёт нуқтаи назаридан одамга ташқи муҳитнинг турли омилларининг таъсири натижасида вужудга келган аъзо ва тўқималарнинг анатомик бутунлиги ва физиологик фаолиятининг бузилиши тан жароҳатисифатида тушунилади.

Етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиғининг йўқолиши ёки аъзоларининг йўқолиши ёхуд аъзолари сақланиб қолса-да уларнинг ўз фаолиятининг йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлигининг бузилишига ёхуд меҳнат қобилиятининг маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки ҳомиланинг тушушини тушуниш керак Юқоридаги ҳуқуқшунос олимлар фикр мулоҳазаларидан келиб чиқиб, баданга шикаст етказиш деб инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказиши ёки танасининг анатомик бутунлиги ёки инсон организми фаолиятининг ёки бутун организмнинг бузилишида бегона бир шахснинг куч ишлатиши найжасида ғайриқонуний зарар етказиш деб таърифлаш мумкин.

References:

1. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги



ишларни юриштида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими. Solution of social problems in management and economy, 2(13), 95-98.

2. Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. – М.: Проспект, 2017. – 304 с.; Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.]: ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 263 с.

3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. Б.83. 8. Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In Международная конференция академических наук (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).

4. Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью: дис канд. юрид. наук. – М., 2001. С. 33

5. Тищенко Е.В. Уголовно-правовая и криминологические характеристики умышленного причинения тяжкого вреда здоровью: дис. канд. юрид. наук.- Ростов н/Д., 2001.- С.45-11. Qushboqov, S., & Mamatova, D. (2023). yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'рни. current approaches and new research in modern sciences, 2(10), 37-39.

6. Тўйчиев А. Соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг тури сифатида қасддан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгилари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 7-13

7. Qushboqov, S., & Tilabov, S. (2023). Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli. Science and innovation in the education system, 2(11), 45-47.

8. Бакунов П.Б. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти / Ўқув қўлланма. Ташкент. 2010. Б.8-8. Қушбоқов, Ш., & Ҳосилжонов, М. (2023). Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 2(9), 29-31.